

Олди-сотди
Шартнома № 3-Б

Бухоро шаҳри

2022 йил “ 12 “январь

“REGISTON” ХК кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади ва ўзининг Устави асосида иш юритувчи раҳбари Халилов Абдурашид Қаюмович, бир томондан ва Бухоро вилоят Қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси кейинги ўринларда “Харидор” деб юритилади ва ўзининг Низоми асосида иш юритувчи инспекция бошлиғи Нарзиев Рамазон Исломович номидан иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагича туздилар:

1. Товар (хизмат)ларнинг тўлиқ тафсилоти

1. Ушбу шартномага мувофиқ Харидор тўловларни амалга оширади ва товарларни қабул қилиб олади, Сотувчи эса қуйидаги шартларда товарларни етказиб беради:

№	Товар (ёқилғи)нинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори (тонна, литр)	Нархи (сўмда)	Етказиб бериш нархи	ҚҚС		ҚҚС билан бирга
						фоиз	сумма	
1	Бензин АИ-91	литр	3000	8173,92	24521760	15	3678240	28200000

Шартнома умумий суммаси: 28 200 000 (Йигирма саккиз миллион икки юз минг) сум ташкил этади.

2. Муҳим шартлар:

2.1. Нархлар биржа катировка савдоларига мос равишда ўзгариб боради ва ҳисоб фактураларида акс эттирилади.

2.2. Шартноманинг умумий суммаси ҳисоб-китоб варағи (счёт-фактура) бўйича аниқланади.

3. Тўлов тартиби, мажбуриятларини бажариш шартлари ва муддати

3.1. Харидор олинган товар учун ҳисоб-фактурага асосан тўловни амалга оширади.

3.2. Товар сотувчининг омборидан харидорнинг ишончномаси асосида ҳаракат қиладиган вакили томонидан сифат ва миқдори бўйича қабул қилиб олинади ва бу ҳақда далолатнома тузилади. Сотувчининг омборидан қабул қилиниши жараёнида товарнинг миқдори бутунлиги ва сифатини аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу ҳақда далолатномада қайд этилади. Сотувчи омборидан олиб кетилган товарларнинг сифати ва миқдори бутунлиги юзасидан эътирозлар қабул қилмайди (Топшириш қабул қилиш жараёнида товарнинг миқдори, бутунлиги ва сифатини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно).

3.3. Шартнома амал қилиш муддати: имзоланган кундан бошлаб 2022 йил “31” декабргача.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. “Сотувчи”нинг мажбурияти:

4.1.1. Шартномага кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида сифат ва миқдори бўйича тўлиқ “Харидор”га мол-мулкни етказиб бериши шарт;

4.1.2. Сотувчи товарнинг бутунлигига, сифатига, ишлатиш қўлланмаси ва ҳоказо шу товарга оид ҳужжатларни тақдим қилиши шарт. Агар товарга оид ҳужжатларни тақдим қилинмаган тақдирда Харидор товарни қабул қилиш ва тўлиқ тўловни амалга оширишни рад этишга ва шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

4.2. Харидорнинг мажбурияти:

4.2.1. Маҳсулотни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига, миқдорига, сифатига қараб, муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиши шарт.

4.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товар келиб тушгани аниқланганидан кейин, бу ҳақида далолатнома ёзилиб 24 соат ичида Сотувчини огоҳлантириши шарт.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

- 5.2. Сотувчи товарни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун “Харидор”га етказиб берилмаган ҳар бир кун учун товар баҳосидан 0.4 %, лекин етказиб берилмаган товар қийматининг 50 фозидан ортиқ бўлмаган суммада пеня тўлайди.
- 5.3. Етказиб берилган товар ҳаққини белгиланган 60 кунлик муддатда тўлиқ тўламаган тақдирда Харидор Сотувчига тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун 0.4% лекин тўланиши лозим бўлган сумманинг 50%дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 5.4. Пеня тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга, ҳамда Фуқаролик Кодексига мувофиқ белгиланади.

6. Низоларни бартараф қилиш тартиби

- 6.1. Ушбу шартномага ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.
- 6.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиниб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Бухоро туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади.

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиш тартиби

- 7.1. Ушбу шартномада киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.
- 7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8. ФОРС-МАЖОР

- 8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, ер кимираши, сув тошқин, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

9. Яқуний қодалар

- 9.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси сақланади.

10. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва имзолари:

“Сотувчи”

«REGITON»

Хисусий корхонаси
Навоий вилояти Қашқар
тумани Бухоро МФЙ
№ 2020800600556125002
АТБ Агробанк Бухоро шакли
булиши
МФЙ 00089
ИНН 201591430 ОКЭД: 47300
Тел: +99891-251-82-88
e-mail: regiton@taibn

Директор *С.А.Шодиев*



“Буюрмачи”

Бухоро вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси

Манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси,
23-А уй.

Ҳ/р: 20210000800286913001

“Ўзсаноат қурилиш банк”нинг Бухоро
минтақавий филиали

Банк коди: 00086,

СТИР: 201556250, ИФТУТ: 71110

Тел: (65) 505-04-01, (65) 505-05-02

Бошлик
м.ў.

(имзо)

Р.И.Нарзиев

Ҳуқуқшунос

С.А.Шодиев

